

﴿**Ҳаж ва зулҳижжанинг ўн кундаги амаллар**﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Холид ибн Абдуллоҳ Муслиҳ

Таржимон: *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

﴿الحج وأيام العشر من ذي الحجة﴾

﴿والأعمال الواردة فيها﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ خالد بن عبدالله المصلح

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشراشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Биринчи хутба

(Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган бандани адаштирувчи, адаштирган банданини ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

«Ҳой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан қўрқингиз)!

Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглари ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улус бахтга эришибди». (Аҳзоб: 70-71)).

Сўнг ...

(Дўстлар, билинглари, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Ҳой мўминлар, Оллоҳдан тақво қилинглари ва зиммангиздаги Оллоҳнинг фарзи – Каъбатуллоҳни ҳаж қилинглари! Чунки ҳаж, Исломнинг рукнлари ва улкан биноларидан биридир. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг «Саҳиҳ»ларида Абдуллоҳ ибн Усмар разияллоҳу анҳунинг ушбу ҳадиси келтирилган: «*Расулуллоҳ*

соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом беш нарса устига асосланган: Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг расули эканига гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, Уй (Каъбатуллоҳ)ни ҳаж қилиш ва рамазон (ойи) рўзасини тутиш», – дедилар». (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 8; Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 16).

Ҳой Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳумр давомида бир мартагина ҳаж қилишни фарз қилди. Абу Хурайра (разияллоҳу анҳу) шундай ривоят қилади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб: «Ҳой одамлар! Оллоҳ сизларга ҳажни фарз қилди ва сизлар ҳаж қилингиз!» – дедилар. Бир киши: «Ҳар йилими?» – деб савол берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жим қолдилар. Саволни уч марта такрорлагач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар «ҳа» деганимда фарз бўлар ва сизларнинг бунга кучингиз етмас эди», – деб жавоб бердилар». (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1337).*

Ҳой мўминлар, ҳажнинг фарзлиги Қуръон, суннат ва мусулмонларнинг қатъий ижмоъси билан собитдир!

Ҳой мўминлар, Оллоҳ таоло оқил, балоғат ёшига етган, ҳур, маблағи ва бадани билан қодир бўлган ҳар бир мусулмонга Каъбатуллоҳни ҳаж қилишини фарз қилди! Маблағи етмаган одамнинг зиммасида ҳаж қилиш масъулияти йўқдир. Оллоҳ таоло айтди: **«Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Оллоҳ учун мана шу Уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир»**. (Оли Имрон: 97).

Ҳой мўминлар, агар биров моддий маблағи билан ҳаж қилишга қодир, бироқ шахсий ожизлиги мудом ва умидсиз, масалан, шифо умиди бўлмаган бемор, ёхуд ёши улғайиб қолган қария бўлса, ҳаж фарзини адо этиши учун ўз номидан бир кишини тайинласин. Абдуллоҳ ибн Аббос (разияллоҳу анҳу) айтди: *«Бир хотин: «Ё Расулуллоҳ, отам қариб қолган пайтида ҳаж қилиши фарз бўлди. Бироқ у, улов устида ўтира олмайди. Шунинг учун унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» – деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа», – деб жавоб бердилар»*. (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 1513).

Ҳой Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳдан қўрқинглар ва шартлари пайдо бўлгач, ушбу буюк ибодатни тўқис адо этинглар!

Ҳой мусулмонлар, сизларни тўсадиган монеликлар чиқишидан илгари Оллоҳнинг Каъбасини ҳаж қилишга шошилинглар! Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтди: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳаж қилиш учун шошилинглар! Чунки, бировингиз ўзига нима монеъ бўлиб қолишини билмайди», – дедилар»*. (Имом Аҳмад «Муснад», ҳадис № 2864).

Умар ибн Хаттоб (разияллоҳу анҳу) шартлари тўқис бўлганидан кейин ҳам ҳаж ибодатини кечиктиришни аччиқланиб қоралади. Саид ибн Мансур (раҳимаҳуллоҳ) «Сунан»ида саҳиҳ-соғлом санад билан шундай ривоят қилди: *«Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтди: «Мен шу шаҳарларга одамларни юбориб, боён яшаётган ҳолида ҳаж қилмаган одамларни топишни ва уларга ҳам жизъя-солиқ жорий қилишни қасд қилдим. Чунки улар мусулмон эмаслар! Чунки улар мусулмон эмаслар!»* (Жалолуддин Суютий «Жаамиъул-аҳаадиис», ҳадис № 31221).

Алий разияллоҳу анҳу айтди: «*Ҳаж қилишга қодир бўла туриб ҳаж қилмаган одам, яҳудий ва насроний бўлиб ўлаверсин!*» (Жалолуддин Суютий «Жамъул-жаваамиъ ав ал-Жомиъул-Кабир», ҳадис № 2299).

Оллоҳ ва охират кунига иймон келтирган одамнинг қодир ва бу нассларни эшита туриб ҳаж қилмасликка ва Оллоҳ фарз қилган нарсани адо этишга шошилмасликка кўнгли қандай хотиржам бўлар экан?!

Ҳой, мўминлар!

Каъбатуллоҳни ҳаж қилиш, Оллоҳга яқин қиладиган тоат-ибодатларнинг энг буюғидир. Бу ҳақда ҳажнинг буюк ўрни ва улкан фазилатлари ҳақида хабарлар келган.

Улардан бири, ҳаж – гуноҳ, хато ва камчиликларнинг каффоротидир.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу айтди: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ҳаж қилса ва (ҳажги давомида) сўкинмаса ва фисқу-фужур ишлар билан шуғулланмаса, онасидан*

туғилган кундагидек (гуноҳсиз ҳолатига) қайтади», – дедилар». (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 1521; Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1350).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳу отасининг Исломни қабул қилиши ҳақидаги ҳикоясида, отасининг гуноҳларини кечирилишини сўраган пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини айтиб берди: *«Ислом, ҳижрат ва ҳаж ўзларидан аввалги (гуноҳ)ларни йўқ қилишини билмайсизми?!»* (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 121).

Ҳой мўминлар, ҳажнинг фазилатларидан бири, унинг жаннатга киришга сабаб бўлишидир!

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу айтди: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ ҳузурда) мақбул ҳажнинг мукофоти – жаннатдан бошқа нарса эмасдир!» – дедилар». (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 1773; Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1349).*

Ҳой Оллоҳнинг бандалари, ҳажнинг фазилатларидан бири, Оллоҳ таоло Арафа кунда

мавқиф (Арафот тоғи)да турган одамларга яқинлашади ва улар билан фаришталарга мақтанади!

Оиша разияллоҳу анҳо айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг Арафа кунидек жаҳаннамдан кўп қулларни озод қиладиган бошқа кун йўқдир. Оллоҳ (Арафот тоғида тўпланган ҳожиларга) яқинлашади ва фаришталарга мақтаниб: «Улар нима хоҳлашмаяпти?» – деб сўрайди», – дедилар». (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1348).

Аллома ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ Арафот кундаги фазилатларни мадҳ этиб ушбу байтларни ёзган:

Оллоҳ у кунда бандаларга яқинлашиб,
Нуроний малакларга дейди мақтаниб:
Бандаларим келмишлар муҳаббат-ла,
Мен ҳам очдим қўлларимни саховат-ла.
Гувоҳ бўлинг, кечирдим гуноҳларин
Ато этдим уларга дилдаги орзуларин!
Суюнчи бўлсин у кун Арафотда бўлганларга,
Ки, Оллоҳ мағфирати тегар унга келганларга!

Оллоҳнинг бандалари, ушбу фазилат ва марҳаматлардан қуруқ қолманглар! Яхшиликлар сари беллашиб, савоблар учун шошилининглар! Озиқ олинглар, озиқларнинг энг яхшиси – тақводир. Унутмангларки, сафарнинг охири кўриниб қолди. Зеро, сафар тез тугамоқда.

Бугунги ишинг эртага ҳеч қолмасин,

Эртага билмаганинг – ажал етиб келмасин!

Ҳой, мўминлар!

Ҳой, сиз Оллоҳнинг Ҳурматли Уйини ҳаж қилишни қасд қилган бандалар!

Сиз Оллоҳнинг Уйини ҳаж қилиш билан бирга фазилатларни қўлга киритишда катта таъсирлари бўлган ушбу муҳим ишларни лозим тутингиз!

Биринчиси: Амални Оллоҳ учун холис қилиш.

Чунки ҳаж – ботил диндан ҳақ динга ўтиш хусусиятларидандир. Сизнинг ҳаждаги шиорингиз эса *«Лаббайкал-лоҳумма лаббайк! Лаббайка ла шарика лака лаббайк»* (Оллоҳим, амрингга

мунтазирман! Амрингга мунтазирман! Амрингга мунтазирман! Сенинг шеригинг йўқдир!)дир.

Абу Умома разияллоҳу анҳу айтди: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ, амаллардан холис бўлгани ва Ўзининг Юзигина қасд қилинганларини қабул қилади», – дедилар*». (Насоий «Сунан», ҳадис № 3153. Бу ҳадисни Абу Довуд ҳам ривоят қилди).

Иккинчиси: Гапларингиз, ҳаракатларингиз ҳамда зоҳирий ва ботиний ҳолатларингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намуна олиш.

Ҳолбуки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни Ўзларидан намуна ва ўрнак олишга рағбатлантириб, Видолашув ҳажи – Ҳажжатул-вадоъда: «*Мендан (ҳаж) ибодатларингизни олинглар!*» – дедилар. (Имом Аҳмад «Муснад», ҳадис № 14010. Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ (разияллоҳу анҳу)нинг: «Ибодатларин- гизни олишингиз учун», лафзи билан нақл қилди. Ҳадис № 1297).

Учинчиси: Ҳаж ибодатларини онгли ва тўқис қилиш учун, ҳаж аҳкомларини ўрганишга ҳарислик.

Ҳаж ибодатларини тўқис адо этиш учун унинг аҳкомларини ўрганингиз! Оллоҳ уларни ўрганишни енгил қилиб қўйди. Улар баён қилинган китоблар, дарслар ва магнит тасмаларининг саноғи йўқ. У китобларни ўқиш ва ўрганишга ҳаракат қилингиз! Бирон чигал масъала чиқса ва уни билмасангиз, биладиган илм аҳлидан сўрангиз!

Тўртинчиси: Ҳаж сафариди йўлдошлик учун яхши одамларни танлангиз-ки, улар сизга яхши ишларни кўрсатиб, яхши ишларни қилишда ёрдамчи бўлсинлар. Дарҳақиқат, йўлдош – ёрдамчидир. Аждодлар шундай деганлар:

Одам ҳақида сўрма, сўра дўсти ҳақида

Дўст дўсти билан битта йўлда кетади.

Бешинчиси: Ҳажингиз асносида, Оллоҳ таоло айтганидек, ҳақоратли сўзлар, фисқу-фужур ва жанжаллашишдан нари туринг.

Оллоҳ таоло айтди: **«Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса(ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди».** (Бақара: 197).

Оллоҳ таоло ҳажга аралашмаслигини таъқиқлаган «рафас» сўзининг маъноси: жинсий алоқа, жинсий алоқага олиб борадиган сабаблар, уятсиз сўзлар, демакдир. «Фусуқ» сўзининг маъноси эса, умуман, гуноҳлардир. «Жидол» сўзининг маъноси эса, жанжал, тўполондир. Бу ишлар савобларни озайтириб, фазилатларни йўққа чиқаради.

Олтинчиси: Машаққатларни кўтариш ва уларнинг мукофотини Оллоҳдангина олишга нафсингизни чиниқтиринг.

Чунки ҳаж, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, жанги бўлмаган

жиҳоддир. (Ибн Можжа «Сунан», ҳадис № 2901; Имом Аҳмад «Муснад», ҳадис № 24794).

Иккинчи хутба

(Оллоҳга ҳамдлар ва Унинг суюкли пайғамбари Муҳаммадга салавоту саломлар бўлсин).

Сўнг ...

Ҳой мўминлар, бир неча кундан кейин эзгуликларнинг баракали мавсуми – зул-ҳижжа ойининг ўн кунини кутиб оласизлар. Оллоҳ таоло бу кунларни кўп инъом ва баракалар пайти қилдики, у кунлар эзгуликлар мавсумига айландилар. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анху айтди: *«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ учун ушбу кунлардан кўра солиҳ амаллар қилинадиган бошқа суюкли кун йўқдир», – дедилар. Саҳобалар: «Ҳатто Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳамми?!» – деб савол берганларида: «Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам! Бироқ, жони ва моли билан чиққан ва улардан бирон нарсани олиб қайтмаган одам бундан мустасно», – деб жавоб бердилар».* (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 969; Термизий «Сунан», ҳадис № 757. Лафз Термизийники).

Бу ўн кун – йилнинг энг афзал кунларидир. Ҳатто, уламолар бу кунларни рамазон ойининг

охирги даҳасидан ҳам афзал кўрдилар. Бу кунларнинг тунлари – кечаларнинг энг афзалидир. Бу тунларга фахр, шараф ва фазилат нуқтаи назаридан Оллоҳнинг у кечаларга қасам ичиши етарлидир:

«Тонгга ва ўн кечага қасамки...» (Фажр: 1, 2).

Оллоҳ таоло бу кунларда солиҳ амалларни барча турларини қилишга бизни рағбатлантирди. Шундай экан, ҳой Оллоҳнинг бандалари, бу кунларда солиҳ амалларни кўп қилингиз! Қиёмат куни мўл савобларни олиб келадиган ушбу кунларни солиҳ амалларни қилиш учун ғанимат билингиз! Вақти бор, умрингиз давом этар экан солиҳ амал қилишга шошилингиз!

Ҳой мўминлар, бу кунларда банданинг Оллоҳга яқин қиладиган энг афзал амал – Оллоҳнинг зикрини кўп қилишдир. Оллоҳ таоло: **«маълум кунларда Оллоҳ номини зикр қилиш учун (келадилар)»**, (Ҳаж: 28) – деди.

Абдуллоҳ ибн Аббос (разияллоху анху): «Маълум кунлар» – (зул-ҳижжа ойининг) ўн

кунидир», – деди. Бу – муфассирлар гуруҳининг ҳам сўзидир.

Абдуллоҳ ибн Умар (разияллоҳу анху) айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Оллоҳнинг наздида бу ўн кунлардан кўра муаззам кун ва (солиҳ) амал қилинган суюкли кун йўқдир. Шунинг учун бу кунларда таҳлил, такбир ва ҳамду санони кўп айтинглар!»* (Имом Аҳмад «Муснад», ҳадис № 5423. Ҳадиснинг санади жуда яхшидир).

Севимли дўстлар, у ўн куннинг ҳар вақтида ва ҳамма ерда Оллоҳни кўп зикр қилингиз, Қуръонни кўп тиловат қилиб,

«Оллоҳу акбар! Оллоҳу Акбар! Оллоҳу Акбар! Ла илааҳа илаллоҳу валлоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Ва лиллаҳил-ҳамд!» ни такрор-такрор айтингиз. Чунки Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ) «Саҳиҳ»ида Абуллоҳ ибн Умар ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумола бозорга чиқиб такбир айтганлари ва одамлар ҳам уларнинг табирларига жўр бўлганларини ривоят қилди. (Ибн Асир «Жомиъул-усул мин аҳадисир-расуул», ҳадис № 1754). Унутмангларки, бу кунлардаги зикр – ўша куни қилинаётган

амалларнинг энг афзалидир. Балки у, тайинланмаган жиҳодлардан кўра афзал бўлган амалдир.

Зул-ҳижжа ойининг ўн кунида қилиш таъкидланган амаллардан бири, Арафа куни тутилган рўзадир.

Имом Муслим (раҳимаҳуллоҳ) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини ривоят қилди: *«Арафа куни рўза тутуш. Мен Оллоҳ таолодан (бу рўза билан) ўзидан аввалги ва кейинги бир йилнинг (гуноҳларига) каффорот қилишини умид қиламан»*. (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1162).

У кунларда машруъ бўлган амаллардан бири, жонлиқ сўйиш учун тайёргарлик кўришдир.

Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Сўйиш учун қурбонлиги бўлган одам зул-ҳижжа ойи кириши билан соч ва тирноқларини олмасин!»* – дедилар. (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1977; Насоий «Сунан», ҳадис № 2791). Бошқа бир ҳадисда эса: *«Зул-ҳижжанинг ҳилоли кўринса қурбонлигини*

бўғизламагунича соч ва баданига тегмасин!» – дедилар. (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1348).

Бу ҳукм қурбонлик сўймоқчи бўлган одамнинг ўзигагина тегишлидир. Унинг рафиқалари ёки фарзандлари бу ҳукмдан мустаснодирлар.

Ҳой мусулмонлар, савоблар мавсумида шошилинглар! Чунки, бу мавсум тезда тугаб қолади!

Бу фурсат бир зумда ўтиб кетади,

Амал қилган бандалар қолар қувониб...

Бу кунларда солиҳ амалларни кўп қилиб, Оллоҳнинг лутфу карамларига сазовор бўлинглар. Бировингиз солиҳ амал қила олмаса, ҳеч бўлмаса ёмонлик ва гуноҳ ишларни қилмасин. Чунки бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан савобли ишларнинг энг афзали ҳақида сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга айрим ишларни санаб ўтдилар. Бироқ у одам: «Мен уларни қила олмасам-чи?!» – деб яна савол берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Иш қилаётган ёки бирон ишни билмайдиган одамга ёрдам берасан», – дедилар. У одам: «Ё Расулуллоҳ, айрим ишларни қилишдан ожиз бўлсам-чи?!» – деб савол берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга ёмонлик қилмайсан ва бу сенга ўзингдан садақа бўлади!» – деб жавоб бердилар. (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 2518, Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 84).

Дўстлар, шуни яхши билингларки, зул-ҳижжа ойининг у ўн кунлари энг фазилатли кунлардан ҳисобланади. Шунинг учун у кунларда қилинган амалларга мўл-мўл савоблар берилиб, гуноҳ ишлар қаттиқ нафрат билан қаршиланади. Шундай экан, Роббингизнинг мағфирати ва раҳмати сари шошилингиз!